

“Локал ва корпоратив тармоқларни ахборот хавфсизлиги талабига мувофиқ экспертизадан ўтказиш” хизматини кўрсатиш бўйича Регламент

1. Хизмат тавсифи (паспорт)

1.1. Хизматнинг номи

Локал ва корпоратив тармоқларни ахборот хавфсизлиги талабига мувофиқ экспертизадан ўтказиш мурожаатларни қабул қилиш.

1.2. Хизмат натижаси

Ўтказилган экспертиза натижасида олинган маълумотлар юзасидан мурожаатчига расмий ҳисбот тақдим этиш.

1.3. Хизмат кўрсатувчи ва иш хизмат бланкасини тақдим этувчи орган

“Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази” ДМ
Манзил: 100069, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 282-А уй.
Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz).

1.4. Ҳуқуқий асоси

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Алока, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳузуридаги “Электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш маркази ҳамда Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги № 250-сонли Қарори.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизими жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги № 355-сонли Қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимият органлари ва юридик шахслар.

1.6. Мурожаатни юбориш муддати

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги № 355-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизими талабларига кўра давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимият органлари учун локал ва корпоратив тармоқларни ахборот хавфсизлиги талабига мувофиқ экспертизадан ўтказиш камида 1 йилда бир маротаба ўтказиш тавсия этилади. Юридик ва жисмоний шахслар учун – иш зарурияти юзасидан.

1.7. Мурожаатни бажариш муддатлари

Мурожаатни бажариш муддатлари шартномада келишиб олинади.

1.8. Мурожаатни қабул қилингандиги бўйича ҳабар бериш

Хизматни кўрсатиш бўйича тўғри тўлдирилиб, юборилган мурожаат юзасидан 2 кунлик муддат ичida мурожаатчига мурожаат қабул қилингандиги ва уни ҳолати

бўйича тегишли хабар берилади (масалан, Ягона интерактив давлат хизматлари портала – мурожаат кўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги бўйича хабар).

2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот бериш

2.1. Маълумотнинг тавсифи ва ҳажми

Ҳар кандай морожжатчи шахсга қуидаги маълумотларни тақдим этиш кафолатланади:

- хизмат кўрсатувчи орган жойлашган манзил, унинг иш тартиби, мурожаатларни қабул қилиш тартиби (олдиндан буюртма бериш, мурожаатларни қабул қилиш кунлари, навбат кутиш ва бошқалар);
- хизматдан фойдаланиш бўйича қисқача маълумот;
- хизмат кўрсатиши муддатлари;
- хизмат кўрсатиши регламенти мавжудлиги ва регламент билан танишиб чиқиш бўйича маълумот.

2.2. Кенг қамровли маълумот бериш

Хизмат кўрсатиши бўйича стандарт маълумотлар қуидаги усуллар орқали тақдим этилади:

- 100069, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 282-А уй манзили орқали;
- (99871) 252-50-82 телефон рақамларига қўнғироқ қилиб боғланиш орқали;
- Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали.

2.3. Мурожаат бўйича маълумот бериш

Шахсан: мурожаатчи ҳафтанинг иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача мурожаат қилиб, хизмат кўрсатиши, хизматдан фойдаланиш, мурожаат юбориш, хужжатлар тақдим этиш тартиби, ҳисоб реквизитлари ва бошқа саволларга жавоб олиши мумкин.

Телефон орқали: ҳафтанинг иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача (10 дақиқадан ошмайдиган вақт давомида) мурожаатчи ўзини қизиқтирган барча саволлар (хизмат кўрсатиши, катта ҳажмдаги маълумот тақдим этиши, ҳисоб реквизитлари ва бошқалар) бўйича оғзаки маълумот олиши мумкин.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали.

2.4. Хизмат кўрсатиши жойи ҳақида маълумот бериш.

Бош идора: 100069, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 282-А уй.

2.5. Хизматдан фойдаланиш учун керакли ҳужжат бланка (форма)лар.

- Марказ директори номига хизмат кўрсатиши бўйича расмий мурожаат;
- хизмат кўрсатиши бўйича томонлар ўртасидаги келишув шартномаси.

3. Хизмат кўрсатиши

3.1. Иш вакти

Only 2 pages have been converted.
Please go to <https://docs.zone> and Sign Up to convert all pages.